ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ҳасанов Тоҳир Абдурашидович
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш
институти ходими, и.ф.д., доцент

https://doi.org/10.5281/zenodo.10829436

Уй-жой коммунал хўжалиги, коммунал хизматларга тариф сиёсати, энг муҳими аҳолининг уй-жой коммунал хизматларига бўлган эҳтиёжларини тез муддатда қондириш, самарали ва ўз вақтида таъминлаш имкониятига эга бўлмаган самарасиз бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳар доим ҳам давлат бошқарувидаги долзарб вазифалар сифатида қаралади. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Маълумки, коммунал хўжалик соҳаси узоқ йиллардан буён кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун 2019 йилдан бошлаб тармоқда давлат-хусусий шериклик бўйича инвесторлар билан ҳамкорликда ишлашни бошлаймиз” деган фикрни илгари сурди.

Уй-жой хўжалиги коммунал хўжалигининг энг йирик соҳаси бўлиб, у ўз ичига уй-жой фондини бошқариш, уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи корхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатадиган иншоотларни қамраб олади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондининг умумий майдони сезиларли даражада ошди, аҳоли сони кўпайиб бораётганига қарамасдан, одамларни турар-жой билан таъминлашда жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистонда уй-жой муносабатлари 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Уй-жой кодекси” билан тартибга солинади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу соҳасида бир қатор ваколатларга эга.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасида:

- уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини юритади, уй-жой соҳасини ривожлантиришнинг давлат комплекс дастурларини қабул қилади;
- уй-жой хўжалиги ва коммунал хизмат кўрсатиш бўйича давлат бошқарув органлари фаолиятига раҳбарлик қилади;
- турар жойларни тақсимлаш ҳамда аренда, ижара шартномалари бўйича фуқароларга бериш, шунингдек уларни алмаштириш ҳамда сотиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;
- уй-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш тизимини тартибга солади;
- компенсация, кредит ҳамда ссудалар бериш тартиби ва шартларини тартибга солади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой соҳасидаги ваколатларига эса қуйидагилар киради:

- уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш;
- уй-жой фонди ва коммунал объектларни бошқаришни ташкил этиш;
- ўз тасарруфидаги ҳудудда коммунал хизматларга оид тариф сиёсатини белгиланган тартибда шакллантириш;

- уй-жой фондини ҳисобга олиш;
- давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида бериш;
- давлат уй-жой фондидаги турар жойларни улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун юридик шахсларга аренда шартномаси шартлари асосида бериш;
- уй-жой фондидан фойдаланилиши ва унинг асралиши, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифати устидан назоратни таъминлаш;
- аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари орасидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ҳамда уларни аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой билан таъминлаш;
- фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари учун уй-жой қуриш;
- уй-жой қурувчиларга уй-жой қуриш учун, шунингдек хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларига доимий фойдаланишга белгиланган тартибда ер участкалари бериш;
- уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи коммунал хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси объектларининг лозим даражада сақланиши ҳамда ривожлантирилишини таъминлаш;
- давлат уй-жой фондининг турар жойларини бронлаштириш ва алмаштириш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда уй-жой муносабатларини тартибга солишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирокини ҳам кўриш мумкин. Хусусан, улар:

- фуқароларга уй-жой фондидан фойдаланишда ҳамда унинг сақланишини таъминлашда кўмаклашади;
- қуриш ва уй ён атрофини сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- фуқароларнинг маиший-уй-жой шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятда ижтимоий соҳанинг ривожланиш даражаси аҳолининг уй-жой хўжалиги, турмуш шароити ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланганлик даражасига бевоста боғлиқ. Уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг ривожланиш даражаси аҳоли турмуш шароитининг ички ташкиллаштирилиши ва ҳаёт тарзини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам, республикамизда айнан уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тармоғини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиган, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга», деб таъкидлади. Шунингдек, мазкур Мурожаатномада раҳбар ходимларнинг инвестициялар масаласида вазифалари ва масъулияти

тўғрисида қуйидагилар таъкидланган: «Ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг инвестицияларни жалб этиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш, янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш, иш ўринлари яратиш бўйича фаоллигини ошириш зарур».

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. www.lex.uz
2. Қ.Турсунов. Аҳоли фаровонлигининг ёрқин ифодаси // Халқ сўзи, 2016 йил 28 октябрь. www.xs.uz
3. Ғайбуллаев О. Ҳудудларга инвестиция жалб қилиш – ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили. “Халқ сўзи” газетаси. 3 февраль 2017 йил. www.xs.uz